

**СИНТАКТИК КОМПОЗИЦИЯ ВА НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ
БЎЛИНИШИ МУНОСАБАТИ**

Муҳаммадтоҳир Абдупаттоев,
филология фанлари доктори, доцент, Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация:

Мақолада нутқнинг коммуникатив (актуал) бўлиниши, коммуникатив бўлиниш бирликлари, мазкур бирликларнинг нутқ шаклланишидаги ўрни ва функциялари, шунингдек, нутқнинг коммуникатив бўлиниши ва композицион-синтактик қурилиши муносабатлари, уларнинг бир-бирига таъсири масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: коммуникация, актуализация, нутқ темаси, нутқ ремаси, семантика, парадигматика, синтагматика, бошланма, тугалланма, поэтик нутқ.

КИРИШ

Ҳар қандай нутқ тингловчи (ўқувчи) билан унинг муаллифи ўртасидаги ўзига хос диалог демакдир, бу диалогда тингловчи фақат адресат вазифасини бажаради. Нутқ таҳлилига коммуникатив ёндашувда нутқ муаллифининг адресант сифатидаги позицияси нутқий имконият ва воситалардан қандай фойдалана олиш маҳорати ҳамда унинг баён қилинаётган воқеликка бўлган муносабати, етказилаётган ахборот ёки нарса-ҳодиса ва унинг белгилари ҳақида берилаётган маълумотни қандай усул, воситалар ёрдамида баён этиши нутқнинг композицион-синтактик қурилишида муҳим ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, поэтик нутқ мураккаб ва кўпаспектлив синтактик структура бўлгани учун ҳам, фикр баён этишининг хилма-хил усул ва воситаларига эга. Шунга кўра, нутқ таркибининг композицион-синтактик шаклланишида турли усул ва воситалар қўлланилади. Нутқнинг композицион-синтактик қурилишида унинг коммуникатив (актуал) бўлиниш бирликларининг ўрни масаласи сезиларли аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Нутқ қисмлари ўртасидаги семантик-синтактик муносабатлар коммуникатив (актуал) бўлиниш тарзида намоён бўлади ва нутқнинг синтактик-композицион жиҳатдан шаклланишида муҳим вазифа бажаради, чунки синтактик бутунликларда тема ва рема муносабати тилшуносликнинг семантик категорияси ҳисобланган гапнинг актуал бўлиниши муаммосини ташкил этади. Коммуникатив (актуал) бўлиниш тилшуносликда дастлаб гапга нисбатан татбиқ этилган. Гапнинг коммуникатив (актуал) бўлиниш назариясини махсус лингвистик йўналиш сифатида асослаган чех олими В.Матезиусдир [1]. Унинг фикрича, гап икки қисмдан иборат бўлиб, фикрнинг бошланиш нуктаси – вазиятдан маълум бўлган, аввалги нутқий вазиятдан осон англашилган қисм (тема)дан ҳамда гапдаги асосий информацияни ифодаловчи коммуникатив марказ – қисм (рема)дан ташкил топган.

Маълумки, синтактик конструкцияда коммуникатив (актуал) бўлиниш бирликлари сифатида кўпчилик олимлар гапнинг ифода асоси – тема ва ифода ядроси – ремани белгилайдилар. Нутқ муаллифи ва эшитувчи ёки ўқувчи коммуникация механизми таркибига киради. Тема – мавзу уларнинг ҳар иккаласига ҳам, кўпинча, олдиндан маълум бўлса, рема адресант томонидан узатиладиган янги хабар, информация ҳисобланади [2]. Кўринадикки, у синтактик категория сифатида мазмуний аспектда ҳам ўрганилади ва поэтик нутқнинг композицион-синтактик жиҳатдан шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Инсон, кўпинча, алоҳида олинган сўзлар билан эмас, мазмунан бир-бирига алоқадор бўлган, бир-биридан келиб чиқадиган фикр англатувчи гаплар ёрдамида муомалада бўлади ва йўл билан ўзаро фикр алмашади. Шунинг учун ҳам коммуникатив функция бажариши жиҳатидан нутқ биринчи ўринда туради. Демак, нутқнинг композицион-синтактик жиҳатдан шаклланиши коммуникатив (актуал) бўлиниш масаласи билан боғлиқдир. Нутқда ҳам коммуникатив (актуал) бўлиниш кузатилади: мавзу (тема), нутқ предмети (фикрнинг нима ҳақида эканлиги), хабар (рема) эса мавзунинг ёритилиши, унинг нимадан иборат эканлигидир.

Катта асарларда мавзу (тема) асарнинг бутун ҳажми давомида ёритилиб борилади. Кичик ҳажмли (шеър, тўртлик)ларда эса тема ҳақидаги янги хабар (рема) ана шу кичик ҳажмнинг ўзида маълум қилинади.

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,

Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.

Иккиси ичра кўрмадим, асло,

Молим ёмон деган бирор кимсани.

(А.Орипов)

Мазкур тўртликнинг композицион-синтактик қурилишида тема – дунё биринчи қаторда ойдинлашмоқда, қолган сатрлар эса рема функциясида келган, яъни дунё ҳақидаги муаллифнинг янги хабарлари – кечинмалари, туйғулари ифода этилган. Кўриниб турганидек, поэтик нутқ композицион-синтактик қурилишида тема-рема муносабати қисм (сатр)лар ўртасидаги семантик алоқадорликни кўрсатиш билан бирга, поэтик нутқ яхлитлигини таъминлаш, фикрнинг изчил ривожланиши ва хулосаланишида муҳим вазифа бажарган. Бундан ташқари, гаплар (сатрлар) ўртасидаги мустаҳкам семантик ва синтактик алоқани таъминлаш ва ҳиссий-таъсирийликни кучайтириш мақсадида синтактик фигура – такрор (*Бозорга ўхшайди* бирикмасининг такроран қўлланиши), уядош сўзлар (*бозор, мол*) қўлланилган.

Нутқда унинг темаси ва ремаси ўртасида аниқ мазмуний яхлитлик ва логик изчиллик кузатилади. Нутқни ташкил этган гапларнинг ўзаро ички мазмуний алоқадорликлари эвазига асосий ғоя – мавзу ҳақида янги маълумот берилади.

Замонавий тилшуносликда олиб борилаётган синтактик тадқиқотларда тўлиқ ва тугалланган нутқ кўринишларини турли аспектларда текшириш ҳамда уларни баҳолаш бўйича улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу соҳадаги тадқиқотлар тилнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган коммуникатив функцияси билан боғлиқ янги назарий қарашлар, аниқ хулосаларга асосланган ҳолда давом эттирилмоқда. Жумладан, нутқни

таҳлил қилишда тил бирликларининг функционаллашуви, яъни нутқ таркибида бирор бир коммуникатив ёки эстетик вазифа бажариш учун хосланиши масаласи ҳозирги кунда ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Ўзида таъсир этиш функциясининг кучлилиги билан алоҳида ажралиб турувчи поэтик нутқ тадқиқи ана шундай тадқиқотлар сирасига киради. Поэтик нутқ орқали тингловчи (ўқувчи)га етказиладиган оддий хабар, маълумот ҳам ҳис-туйғуга йўғрилган, бадиийлашган формада берилади. Шунинг учун ҳам уларда фикрнинг ривожланиши ўзига хос тарзда, ўзига хос усулда, фақат поэтик нутқдагина қўлланувчи воситалар ёрдамида реаллашади. Фикр маълум бир қисм-элементларнинг аниқ тартибда кетма-кет жойлашуви ҳисобига тингловчига образли ҳолда етказилади. Ана шу кетма-кетлилик ҳар қандай нутқнинг композицион-синтактик тузилишини белгилайди. Жаҳон тилшунослигида, жумладан, рус тилшунослигида поэтик нутқнинг композицион-синтактик тузилиши бўйича диққатга сазовор ишлар қилинган. Ўзбек тилшунослигида прозаик нутқ(матн)нинг энг йирик бирлиги ҳисобланган суперсинтактик бутунликлар тадқиқида матн композицияси ўрганилган [3].

Шеъринг нутқнинг композицион-синтактик тузилишини ўрганиш поэтик синтаксиснинг ўрганиш объекти доирасига киради. Поэтик нутқнинг композицион-синтактик тузилиши дейилганда, нутқ таркибига кирувчи қисмларининг тартибли жойлашуви, фикрнинг изчил ривожланиб бориши, мана шу изчилликни ифода этувчи тил ва нутқ бирликларининг муайян мантикий кетма-кетликда жойлашуви ва бадиий жиҳатдан ифодали этиш учун қўлланиши тушунилади. Бунда мазкур бирликларнинг аниқ бир мазмуний яхлитликни ифодалаш учун мутаносиб тарзда қўлланиши назарда тутилади. Композицион-синтактик таркиб лисоний бирликларнинг бир неча усулда қўлланиши натижасида ҳосил қилинади. Тилшунослар томонидан бадиий асарнинг композицион-синтактик таркибини яратиш учун муаллиф томонидан такрорлаш, кучайтириш, қайта ишлаш (бу ўринда олдинги фикрга қайтган ҳолда, фикрни ривожлантириш назарда тутилади) усуллари қўлланади. Композицион-синтактик таркиб асарнинг поэтик шакл-шамойилини гавдалантиради. Лингвистикада нутқнинг композицияси, яъни асар матнини ташкил этган сўз, бирикма, гап, фразалар, услубий воситалар қурилиш материали сифатида иштирок этган бошқа бирликлар ва уларнинг функционал вазифалари ўрганилади. Нутқнинг композицион-синтактик таҳлили нутқни лингвистик категориялар бўйича баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, нутқнинг композицион-синтактик тузилиши маълум бир макон ва замон бирлигида уни ташкил этган компонент-қисмлар, синтактик-стилистик фигуралар, гаплар ва бошқа образ яратувчи воситаларнинг тартибли жойлашиши асосида шаклланади. Синтактик композиция муаллиф онгида “сочилиб ётган” фикр-ғояларни тартибга солади ва тил воситалари ёрдамида ифодаланиши билан мураккаб синтактик қурилма – нутқ яратилади. Композиция алоҳида қисмлардан бутунлик ҳосил қилади. Бунда нутқнинг мавзуси, сарлавҳаси, номланиши, эпиграфи, биринчи ва охири гапи муҳим вазифа бажаради. Нутқнинг композицион-синтактик тузилиши бир қанча композицион-стилистик усуллар ёрдамида шакллантирилади:

такрор – асар муқаддимаси (бошланиши) ва охири ўртасидаги алоқадорликни таъминловчи усул. Бир умумий мавзунинг ёритиш учун қўлланувчи сўз, бирикма, гап ва бошқа синтактик воситаларнинг шаклий ҳамда мазмуний такрорланиши;

кучайтириш – бир-бирини мазмунан тўлдирувчи ва алоҳида таъкид интонацияси билан айтилиувчи бирликларнинг кетма-кет бирикуви асосида юзага келади. Ўрни билан улар таркибида градуномик бирликлар қўлланиши мумкин;

қаршилантириш – предмет, объект, образ ва туйғулар антитезаси асосида, зидлаш-қиёслаш, зидлаш-қаршилантириш, зидлаш-умумлаштириш категорияси воситалари ёрдамида юзага чиқарилади; қайта тузиш (монтаж) – фикрий кетма-кетлик ва изчилликни таъминлаш мақсадида онгда шаклланган фикрларнинг анализи ва синтези асосида қайта шакллантириш, шунга асосан тил ва нутқ бирликларини мантикий тартибланиш.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Композицион-синтактик таҳлил поэтик нутқ тадқиқида маълум хулосаларга келишимизда энг самарали усул ҳисобланади. Поэтик нутқ таркибида қўлланувчи синтактик-стилистик ва риторик фигуралар ҳамда троплар композицион-синтактик структуранинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай тил ёки нутқ бирлиги фигура сифатида поэтик нутққа образлилик, ифодалилик, ҳиссий-таъсирий бўёқ ва экспрессивлик киритади. Улар нутқ таркибида сўз, бирикма, гап ёки нутқ парчаси – фразалар воситасида шаклланади ва алоҳида мазмуний аҳамият касб этади.

Рус тилшунос олимаси Г.А. Золотова нутқнинг композицион-синтактик тузилиши ҳақида шундай дейди: “Композицион-синтактик тузилиш тил воситаларининг мазмуний кетма-кетлик асосида, маълум бир тартибда нутқнинг фикрий-коммуникатив таркибини шакллантиришдир” [4]. Мана шу мазмуний ва структурал тартиб асосида композицион-синтактик тузилиш ҳосил бўлади. Тил воситалари ёрдамида фикрни изчил ривожлантириш учун онгли равишда нутқий-композицион шаклларнинг тартиблантирилиши натижасида композицион-синтактик яхлитлик (бутунлик) ҳосил қилинади ва шу йўл билан фикр бошланади, ривожланади, яқунланади. Худди шу мантикий кетма-кетлиликни ифода этишда иштирок этувчи тил ва нутқ бирликларининг занжирли алоқаси нутқнинг композицион синтактик тузилишини шакллантиради. Шу асосида поэтик нутқнинг сюжет чизиғи ўсиб боради. Масалан:

*Гўзаллик нимада,
Ул қаро кўзларда,
Соз каби сўзларда
Деганлар янглишар*

*Гўзаллик бир гулдир,
Муддати фаслдир,
Яшмоқ аслдир
Сиз, биз бор, яшар.*

*Гўзаллик ишлайши,
Манглайни терлатиши.
Гўзалдир унган иш,
Мақтанса ярашар. (Ғ.Ғулом)*

Келтирилган поэтик нутқда нутқ муаллифи *гўзаллик нимада?* деб савол қўйиш

асосида, шу савол атрофида ўз фикрини ривожлантиради – мантиқан ўз қарашларини баён қилади, далилларини келтиради, фикрини асослайди ва якуний хулоса (*Гўзаллик унган иш*)га келади. Нутқнинг композицион-синтактик тузилишининг шаклланишида *кўзларда, сўзларда* аргумент бўлақлар, *гулдир, фаслдир, аслдир* предикатлар муҳим вазифа бажариб келгани кузатилади.

Поэтик нутқнинг композицион-синтактик таҳлилида энг асосий тамойил системалилик тамойилидир. Бу тамойил нутқнинг композицион-синтактик тузилишида турли сатҳ бирликларининг иерархик муносабатига асосланади. Мазкур системалилик фикрий изчиллик ва композицион-синтактик структура таркибини даражаларга ажратиб таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Қозоқ тилшуноси М.Г.Алдамжарова туркий тилларда поэтик нутқнинг композицион-синтактик тузилишини аниқлашда уч асосий даражага амал қилишни таклиф этади [5].

Биринчи, энг юқори даража композицион-синтактик таҳлилнинг бошқа даражаларини келтириб чиқаради ва асосий композицион-синтактик категория ҳисобланади. У нутқда реаллашувчи барча нутқий бирликлар тизимини узатувчи “муаллиф образи” ҳисобланади. Иккинчи даража эса муаллиф томонидан нутққа киритилган ифода усули бўлиб, унда етказилаётган хабар шакли умумий структурасини ташкил этувчи бирликларнинг монологик ёки диалогик нутққа мутаносиб тарзда шаклланиши назарда тутилади. Учинчи даражада эса бир тизимда иерархик муносабатда бўлган, асар матнида кетма-кетлик асосида бўлақланган нутқнинг композицион-синтактик таркибини ташкил этувчи, турли услубий функцияларда келувчи бирликларнинг бир бутун синтактик қурилмани шакллантириши назарда тутилади.

Биринчи даражали таҳлилда нутқни яратувчи муаллифнинг индивидуал маҳорати (муаллиф контексти), унинг нутқни шакллантиришдаги характерли белгилари, муаллиф томонидан қўлланилган усул ва воситаларнинг индивидуаллик даражаси, қисқаси, муаллифнинг лингвистик маҳорати ўрганилади. Иккинчи даражали таҳлилда нутқнинг бадий-эстетик хусусиятларини белгиловчи ҳамда матнда шакллантирилган монологик ва диалогик нутқ кўринишларининг ўзаро муносабати, мослиги ёритилади. Учинчи даражали таҳлилда композицион-синтактик структурани ташкил этган бирликлар тартиби ва уларнинг асосий хусусиятлари, поэтик нутқ учун характерли қирралари кўриб чиқилади. Амалий тилшунослик учун худди шу даражадаги таҳлил аҳамиятли бўлиб, нутқ тадқиқи учун қимматли материаллар беради.

ХУЛОСА

Нутқнинг композицион-синтактик тузилишининг шаклланишида “қисмларни шундай (тартибда) жойлаштириш керакки, улар муаллиф фикр-ғоясининг аниқ изчилликда ифода этилиши учун хизмат қилсин” [6]. Дарҳақиқат, муаллиф ғояси ва поэтик тафаккури маҳсули бўлган асосий фикр-гуйғуларининг изчил ифода этилиши композицион-синтактик структуранинг қанчалар мукамал тузилгани билан чамбарчас боғлиқ. Демак, нутқ синтактик структурасининг яхлитлиги ва мазмуний изчиллигини таъминловчи асосий шартлардан бири, бу - унинг синтактик-композицион тузилишга эга эканлигидир. Унинг шаклланишида коммуникатив (актуал) бўлиниш бирликларининг жойлашуви ҳам

алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, нутқнинг коммуникатив бўлиниши синтактик-композицион жиҳатдан тўғри шаклланиши учун доимо асос бўлиб бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения. “Пражский лингвистический кружок” М.:Наука, 1967. – С 232.
2. Ҳайитметов А. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позицион масалалари. Т.: Фан, 1984. – Б 112.
3. Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. : Фил. фанл. номз... дисс... – Т.: 1998. –Б 130.
4. Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. М.: Прогресс 2004 – С 258.
5. Алдамжарова М.Г. Композиционно-синтаксические особенности творческого контекста Сатимжана Сабаева. Автореф. канд. филол. наук. – Алматы. 2003. – С 34.
6. Гинзбург Л.Я. О лирике. – М.: Просвещение, 1974, - С 47.
7. Abdupattoyev M.T. Syntactic composition of poetic speech // Central Asian Journal of Literature, Philosophy, & Culture (CAJLPC) ISSN: 2660-6828 Table of Content - Volume 3 | No 4 (Apr 2022). Page: 30-35.
8. Abdupattoyev M.T. Unusual Connections As Forming literary texts. The American journal of social science and education innovations/ 2021. Volume – 03, Issue – 02-28. Page: 177-182. DOI: <https://doi.org/10.37547/tajssei>.
9. Абдупаттоев М.Т. Лингвопоэтика: поэтик нутқда экспрессив ва экстралингвистик воситалар//RESEARCH FOCUS | VOLUME 1 | ISSUE 1 | 2022 ISSN: 2181-3833 Research Bip (14) | Zenodo | Google Scholar.
10. Muysinovna, R. A. (2023). STUDY OF OBSTRUCTION RELATIONSHIP IN WORLD LINGUISTICS. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(3), 117-119.
11. Muysinovna, R. A. (2023). DIFFERENT LEVELS OF RELATIONSHIP (SITUATION) BARRIERLESSNESS. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(3), 120-122.
12. Rasulova, A., & Abdullayeva, G. (2023). FORMAL RESEARCH IN CHILDREN'S POETRY AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION. *World Bulletin of Social Sciences*, 21, 128-130.
13. Rasulova, A., & Raxmonqulova, M. (2022, November). TIL VA JAMIYATNING O 'ZARO MUNOSABATLARIDA NUTQINI IJTIMOYIY-LISONIY ASPEKTIDA TADQIQ ETISH. In *INTERNATIONAL CONFERENCE DEDICATED TO THE ROLE AND IMPORTANCE OF INNOVATIVE EDUCATION IN THE 21ST CENTURY* (Vol. 1, No. 8, pp. 125-128).
14. Rasulova, A. M., & Xusanova, M. R. A. (2022). POETIK NUTQDA SINONIMLARDAN FOYDALANISH MAHORATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 807-811.